

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**352** Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида  
иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни  
сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-  
ришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2748-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги ва  
«Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги»ги қонун-  
ларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директорининг 2015 йил 11 декабрдаги 697-сонли буйруғи  
(рўйхат рақами 2748, 2015 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 656-модда) билан тасдиқланган Му-  
вофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор  
бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом-  
га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Бош директор**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
215-сон

Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директорининг 2017 йил  
11 апрелдаги 215-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида  
иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни  
сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Олий маълумотли, мувофиқликни баҳолаш соҳасида мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган умумий меҳнат стажига, шу жумладан сўралган соҳада мутахассислиги бўйича 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган мутахассисларни сертификатлаштиришга йўл қўйилади. Бунда лаборатория мутахассислари учун олий маълумот талаб этилмайди.».

2. 9-банднинг учинчи хатбошисидаги «олий маълумот» деган сўзлар «ўрта махсус, касб-хунар ёки олий маълумот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.